

Бошлангич таълимнинг кўп ишга қодир

МАНФААТДОРЛИК

ФАОЛЛИКНИ ОШИРМОҚДА

Бозор иқтисодиёти шароитидаги ислохотлар одамлар турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Шу боисдан 443 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоамизда ишлаб-чиқарилаётган маҳсулот миқдори кўпайиб, сифати яхшиланмоқда. Тайёрланаётган пахта толаси Америка Қўшма Штатлари, Италия, Корея, Англия, Франция каби хорижий мамлакатларга жўнатиляпти. Бу меҳнатқашлар фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Завод маъмурияти ва касабга уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида эса ишлаб чиқариш шароити, техника хавфсизлиги, меҳнат ҳамда дам олиш шароитларини яхшилаш, моддий ёрдам кўрсатиш ва шунга ўхшаш масалалар ўз аксини топган. Жамоамизда 86 нафар хотин-қиз ишлабди. Болали аёлларнинг иш вақтини бир соатга қисқартириш, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандини тарбиялаш таътилдагиларни моддий рағбатлантириш каби имтиёзлар берилган.

«Қарияларни кадрлаш йили» муносабати билан юқоридаги муҳим ҳужжатга ўзгаришлар киритилди. Нафақага чиққан 10 нафар ходим қимматбаҳо совгалар билан тақдирланди ва 2 нафарига санаторийга бепул йўланма берилди.

Ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган электр пайвандчи М. Абсаматов, тола ажратувчи А. Ашуров, ишчи А. Мадаминова, слесар Ж. Хўжамовларнинг ойлик маошига бир ойлик қўшимча ҳақ тўланди.

Ишчи хизматчилар, ёрдамчи хўжаликда етиштирилган сўт маҳсулотлари билан доимий таъминланаяпти.

Тушлик бепул ташкил этилмоқда. Утган даврда меҳнат муҳофазаси учун 7 ярим миллион сўм харажат қилиниб, барча ходимларга махсус иш кийимлари тарқатилди.


Корхонамизда айни вақтда 12 та цехда бошлангич таълим фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Юрчи пахта қабул қилиш корхонаси, таъмирлаш цехи, 3 - ишлаб чиқариш бригадасида (раислари Д. Норов. Э. Маҳкамов, Р. Баратов) таъкилотчилик ишлари кучайтирилиб, меҳнатқашларни иқтисодий ҳимоялаш ва меҳнат муҳофазаси борасида тажрибалар тўпланган.

Жамоамизда 72 нафар пенсионерлар, 20 дан ортиқ кам таъминланган оилалар бор. Уларга 425 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Турли байрамлар муносабати билан кўп болали оналарга 450 минг сўмлик совгалар улашилди. Завод қошидаги тиббий бўлимда хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Ишчилар ҳар йили бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, касали аниқланганлар имтиёзли йўланмалар билан санаторий ва профилакторийларга жўнатиляпти.

Жимсоний тарбия ва спорт доимий ҳамроҳимиз. Жамиятимизга қарашли «Пахтачи» уйингоҳида футбол, волейбол, миллий кураш, теннис бўйича мусобақалар ўтказиб турилади. Футбол жамоамиз вилоят биринчилигида голибликни эгаллаб келаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини ўз вақтида тўлашни тартибга солишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши катъий назоратга олинган. Меҳнат манфаатдорлиги ошиб бораётганлиги фаолликни оширмоқда.

А. АБДУЛЛАЕВ, Сурхондарё вилоятидаги «Хайробод» пахта тозалаш хиссасдорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси.



Тиббиёт коллежи Шахрисабздаги йирик ўқув масканларидан ҳисобланади. Юбилей кунига ҳам тиббиёт коллежининг янги биносини ишга тушириш учун қурувчилар баракали меҳнат қилмоқдалар.

— Илм масканимизда 1800

нафардан ортиқ талаба таҳсил олади, - дейди коллеж раҳбари Малоҳат Остонова. — Коллежimizда талабалар учун барча шароитлар яратилган. Махсус фанлар учун ўқув хоналар, ошхона, 200 ўринли ётоқхона талабалар ихтиёрида.

Коллеж қурилишида тажрибали қурувчи Сайфулло Зухриддин фаол иштирок этмоқда.

Суратларда: коллеж қурилишида; моҳир бинокор Сайфулло Зухриддин.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ШАРОФАТИ

Палатамизга таширф бўлган ҳар бир кишининг ўз режаси бор. Бир қурилиш учун қўшимча ер олишда, айримлари тайёр бинони сотиб олишда кўмак беришимизни илтимос қилиб келишган. Палатага аъзо бўлиш истаги борлар ҳам талайгина. Туман тадбиркорлар палатаси 1996 йилда ташкил этилиб, қонунда берилган ваколатлардан фойдаланиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун шарт-шароитлар яратиш борасида қўллаб-ишларни амалга ошириб келмоқда.

Палата ўз фаолиятини бошлаганда 50 нафар аъзоси бўлган. Бу рақам ҳозирги кунда 888 нафарни ташкил этади. Уларнинг асосий қисми, яъни 650 нафари хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилардир. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, туманда эркин фаолият тури билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда.

Хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ривожининг асоси — бу кредитлардир. Биз аъзоларимизга ҳужжатларни тўри расмийлаштиришда, банк идоралари билан алоқа қилишларида ёрдам берамиз. «Узакот» кўп тармоқли фирмани тадбиркорлар палатасига ариза билан мурожаат этиб, чет эл инвестицияси ҳисобидан кредит маблағи олиш истагини билдирди. Айни чоғда ушбу лойиҳани амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш борасида ўтган йили палата томонидан 96 нафар тадбиркор қайта ўқитилди. Кичик ва ўрта бизнесни ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» тадбиркорларга тарқатилмоқда.

2000 йил октябр ойидан туманимизда фаолият кўрсатаётган яқка тартибда нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга ун маҳсулоти ажратиб келинмоқда. Дастлаб, улар 23 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирга келиб 118 нафарга етди. Уларнинг ҳар бирига 700-800 килограмдан ун етказиб берилмоқда. Уларга қулайлик яратиш мақсадида 78 нафарига электр энергиясидан лимит ажратилди.

Палатада турли конкурслар ҳам ўтказилиб турилади. Тадбиркор Раҳматхўжа Алихўжаев «Ташаббус-2002» кўрик-танловининг республика босқичида голиб деб топилди. Ёшлар ўртасида ўтказилган футбол мусобақасида палатанинг «Тадбиркор» футбол жамоаси иштирок этиб, голибликни қўлга киритди.

К. САРИМСОКОВ, Шахрихон тумани Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси.

ЖАМҒАРМА ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР

Юртбошимиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида Оролбўйи ҳудудида яшаётган одамларнинг аҳолини яхшилаш, минтақада ишлаб чиқариш кўчларини ривожлантириш муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаганди. Кейинги пайтда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги корхоналарнинг фойдаланиш топширилиши республика иқтисодиётини сезиларли ўзгартирди. Бу соҳада жамғарма ва хайрия ташкилотлари ҳам ибратли ишларни амалга оширяпти.

«Орол» ижтимоий кўмаклашиш жамғармаси Бўстон агентлиги «Халқаро Оролни қўқариш» жамғармаси ижроия кўмитаси Нукус кўмитаси Нукус филиали таркибиде 1998 йилда ўз фаолиятини бошлади. Агентликнинг асосий мақсади экологик асорат таъсирида ишис қолган ва кам даромадли оилаларни моддий қўллаш, хусусий тадбиркорлик фаолияти бўйича шуғулланиш иштиёқини билдирган шахсларга, хусусий ва кичик корхоналарга грант қарзлари бериш ва уларни ишлаб чиқаришга кенгроқ жалб қилиш, ишсизликни камайтириш, аҳоли даромадини ошириш, минтақанинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ички бозорни рақобатбардош моллар билан тўлдиришга кўмаклашишдан иборат.

Ташкилотимиз Тўртқўл, Беруний, Элликқалъа туманлари фуқароларига хизмат кўрсатади, - дейди биз билан суҳбатда «Орол» аҳолига ижтимоий кўмаклашиш жамғармаси Бўстон агентлиги директори Рўзимбой Алимов. — Фаолият бошлаганимиздан бери 891 та лойиҳа қўриб чиқилиб, улардан 470 таси маъқулланди. Тадбиркорларни

руҳланган ишбилармонлар туман иқтисодиётининг юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, «Аспан» фермери 1,5 миллион сўм қарз кўтариб, 2 йил давомида чорвачилик 5,8 тонна гўшт, 12 тонна сўм ишлаб чиқариб аҳолига сотди ва 3 миллион сўмга яқин даромад олди. Қарзидан вақтида қутилди. Марат Ибрагимов бошлиқ «Уйкаль» фермер хўжалигининг ишларидан ибрат олса арзийди. Сув танқислиги рўй берган шароитда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун артезиан қудуқ қаздириди. Давлатга пахта топшириш режасини ошириб бажарди.

— Банкдан олинган 2 миллион 284 минг сўмлик қарзни муддатиде қайталади. «Ойбулок», Исоқ бобо фермер хўжаликери ва «Сайхун» савдо ишлаб чиқариш фирмасида балиқ етиштириш йўлга қўйилди. Келгусидаги хусусий врачлик ва умумий овқатланиш тармоқлари очиш режалаштирилган. Бу тадбирларнинг барчаси жамоат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, бозорларда нархнинг пасайиши, пировард натижада халқ турмуш фаровонлигининг ошишига ижобий таъсир ўтказди.

Берилаётган қарзлар имтиёзли бўлиб, ишлаб чиқариш фаолият турига қараб олинандиган фойда 10-15 фоизни ташкил қилади. Кейинги 2,5 йил ичда 350 га яқин яқка тартибда фаолият кўрсатган хусусий тадбиркорлар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига 90 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли қарзлар берилиб, янги иш ўринлари яратилди. Ишбилармонлар томонидан 66 тонна гўшт, 212 тонна сўт, 541 минг дон тухум, 52 миллион сўмлик тикувчилик маҳсулотлари, 6371 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорларга вакиллик томонидан қўрсатилаётган молиявий ёрдам туфайли туманларда кичик ва ўрта бизнес субъектлари кўпайиб бормоқда.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорларга вакиллик томонидан қўрсатилаётган молиявий ёрдам туфайли туманларда кичик ва ўрта бизнес субъектлари кўпайиб бормоқда.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорларга вакиллик томонидан қўрсатилаётган молиявий ёрдам туфайли туманларда кичик ва ўрта бизнес субъектлари кўпайиб бормоқда.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорларга вакиллик томонидан қўрсатилаётган молиявий ёрдам туфайли туманларда кичик ва ўрта бизнес субъектлари кўпайиб бормоқда.

Сирдарё тумани ғаллакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб ғалла топшириш шартнома режасини бажардилар. — Бу йил 8696 гектар

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтарди. Қабул пунктларида 20600 тонна сара дон топширилди. — деди Сирдарё тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Абдурашид С. Синдоров «Туркистон-пресс» муҳбирига. Меҳнат муваффақиятларида С. Раҳимов, Й. Охунбобоев номли, «Малик», «Синдоробод» ширкатлар уюшмаси ғаллакорлари ўзларининг баракали улушини кўшди. Мазкур

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида хусусий бизнес вакиллари учун қурилиш материаллари ва қурилишга оид халқ истеъмоли моллари ярмаркаси очилди. Мазкур ярмаркада 1 миллиард сўмлик 500 турга яқин маҳсулот харидорлар эътиборига ҳавола этилган.

Ярмарканинг очилиш маросимида «Биржасер-висмарказ» очилган акционерлик жамияти бosh директори Равшан Нажмитдинов хусусий тадбиркорлик учун қурилиш материаллари республика биржа улгурчи бозорининг ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Ушбу бозордаги улгурчи нархлар бошқа бозордагиларга қараганда анча арзон.

Тадбиркорлар 10 та брокерлик идораси хизматларидан фойдаланиб, улар ёрдамида ўз маҳсулотини сотиши, дўкон ёки савдо майдонини ижарага олиши мумкин. Қурилиш материаллари, электр асбоблар, сантехника, қоржона усти ёпиқ айвонда жойлашган саккизта дўконда сотилмоқда.

ЭЛКИН. (УЗА).

«Ишонч» фош этади

ҚЎЛБОЛА ДОРИ — КАСОФАТ

Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солик соҳасидаги жиноятларга қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа ходимлари фаолиятини янада такомиллаштиришни таъказо этади.

Ҳазорасп туман солиқчилари солиққа оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, олдини олиш, нақд пул муоаласини тартибга солиш соҳасида бир мунча ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, инспекциянинг тижорат бозорида жойлашган таянч пункти ходимларининг борадаги фаолияти ибратлидир.

Илнинг ўтган даврида 63 та баённома тузилиб, 62 та шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди, - дейди пункт бошлиғи Д. Самандаров. - Ноқоний ҳатти-ҳаракат, қалбаки моллар савдоси учун бир кишининг устидан жиноий иш қўзғатилди. Кейинги пайтда ак-

олиб қўйилди. Айборларга тегишли чоралар қўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ижроси ўрганилганда, бу борада жиддий камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди. «Дўсттаси аниқланиб, 1136 қути тамаки маҳсулотлари давлат ҳисобига мусодара этилди. Тумандаги «Дўстлик» ширкат хўжалигининг 8 бригадасида яшовчи Гулбаҳор Матёқубова акциз маркази 580 қути «Пине» сигаретини сотаётганда ушланиб, унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Н. ТИЛЛАЕВ.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: Қонунчилигимизда қандай ҳолларда ходимни ишдан четлаштириш назарда тутилганлиги тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.

С.Назарова, Б.Ғофурова, тиббиёт ходимлари, Гулистон шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 113-моддасига мувофиқ ходимни куйидаги ҳолларда ишдан четлаштириш мумкин:

- алкоғолли ичимлик, гиёҳвандлик ёки токсик мода таъсирида мастлик ҳолатида ишга чиққан ходим дарҳол иш бевуви томонидан ишдан четлаштирилди ва шу кунни ходим ишда бўлмаган кун деб ҳисобланади.

Ходимни мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш Меҳнат кодексининг 214-моддасида кўрсатиб ўтилган.

— Амалдаги қонунга асосан иш бевуви меҳнат шартномасини тузиш чоғида дастлабки ва иш давомида вақдан ва натижада ишдан четлаштирилган ходимдан Меҳнат кодексининг 182-моддасига мувофиқ ишдан четлаштирилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида тушунтириш хати олиниши (тушунтириш хати беришдан бош тортса, далолатнома тузилиши) ва шу кодекснинг фақат 181-моддасида кўрсатилган интизомий жазо чораларидан бири иш бевуви томонидан қўлланилиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш умуман тақиқланади;

- жиноят иши бўйича айбланувчини вазифасидан четлаштириш зарур бўлиб қолган ҳолларда терговчи ёки суриштирув идораси томонидан асосланган қарор чиқарилади ва ушбу қарор прокурор томонидан тасдиқланган бўлиши зарур.

Лекин ходимни вазифасидан четлаштиришнинг муддати қанча бўлишидан қатъий назар, бу ходимни вазифасидан озод қилиш учун мустақил асос бўла олмайд.

Ишдан четлаштирилган ходимнинг меҳнат дафтарида ҳеч қандай ёзув киритилмайд.

ва бошқа ходимлар. Меҳнат шариоити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларнинг ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон буйруғи билан тақдирланган.

Тиббий кўриқдан ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўймасликдир.

Агар ходим соғлиғини меҳнат шариоити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказишни иш бевуви билан талеб қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Тиббий кўриқлардан ўтишда ходимлардан ҳеч қандай пул олинмайд (аммо амалиётда қонунсиз пул олушлар учраб туради). Ходим тиббий кўриқдан ўтишда қандай турдаги поликлинника хизмаидан фойдаланишидан қатъий назар чиқимдор бўлмаслиги лозим.

Мабодо, фақат хусусий поликлиникадан тиббий кўриқдан ўтиш юқори тиббиёт муассасаси томонидан белгиланган (бирктирилган) бўлса, тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ барча харажатлар тиббий кўриқдан ўтишга йўланма берган муассаса томонидан тўланиши зарур.

Ходимларни ишдан четлаштиришда ва уларнинг тиббий кўриқдан ўтказишда иш бевуви амалдаги қонунлар асосида иш олиб бормоғи, ходимларнинг ҳимоячиси бўлган касабга уюшма кўмиталари эса қонунларнинг тўлиқ бажирилишини доимо назорат қилишлари даркор.

ти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилиши зарур бўлган ходимлар куйидагилардир:

— ўн саккиз ёшга тўлганлар;

— олтинчи ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;

— ногиронлар;

— меҳнат шариоити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

— озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

— умумтаълим мактаблари, мактабга тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга тарбия ва таълим бериш билан машғул бўлган педагоглар

бўлмаган ҳажмда) 55 фоизи миқдоридан таянч миқдори аниқланади. Бироқ, бу таянч миқдор энг кам иш ҳақининг расмий миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғда ёшга доир пенсиянинг таянч миқдори ҳисоблаб чиқилган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи миқдоридан, аммо расмий энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади.

Чернобил атом электр станцияси ҳалокати оқибатини бартараф этишда қатнашган шахсларнинг ёшга доир пенсиясини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг 2000 йил 20 сентябрдаги 1963/05 хатига кўра, пенсия таянч миқдорини белгилаш пайтида ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробари билан чекланмайд.

Уларга пенсия миқдори ҳисобланадиган бошқа бир қатор имтиёзли қоидалар қўлланилади.

ИШ СТАЖИ УЧУН ПЕНСИЯ МИҚДОРИ ОШИРИЛИШИ ХУСУСИДА

Тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиган (эркакларда) 25 йилдан, аёлларда 20 йилдан) ортиқча эг стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиянинг таянч миқдори ўртача ойлик иш ҳақининг бир фоизи миқдоридан оширилади.

2002 йил 1 январга қадар бўлган даврда иш стажи учун таянч миқдорининг оширилиши ўртача иш ҳақининг 75 фоизига миқдоридан белгиланиб, бундан ортиқча қисмига қўшимча қўйилмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги Фармони билан ушбу чеклаш олиб ташланди.

ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯГА ҚАНДАЙ УСТАМА ҲАҚЛАР КЎШИБ БЕРИЛАДИ?

Ёшга доир (қариллик) пенсиясига чиққан шахсларга куйидаги миқдорларда устама ҳақлар белгиланади:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;

б) II гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;

в) III гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

г) кўзи оғирлиги бўйича I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

д) I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

з) иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги нилухондан ўлмаганларга) — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлганлиги (Ўзбекистон Қаҳрамони, Шўхрат ордени совриндори ва бошқа давлат мукофотларига эга бўлганда) туфайли бериладиган устама ҳақ билан айнаи бир пайтда тайинланиши мумкин.

Шунингдек, кўзи оғирлиги I гуруҳ ногиронларига, I, II гуруҳ ногиронларига кўшиб бериладиган устамаларга кўшимча равишда уруш қатнашчиси ёки фронт ортида (мамлакат ичкарида) ишлаганлик учун бериладиган устама ҳақларидан бирини ҳамда Ўзбекистон олдидаги алоҳида хизматлари учун устама ҳақларини айнаи бир пайтда олиши мумкин бўлади.

ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шох, Чун де олмас дардини бир йил югурса додхоқ.

Шоҳ додифга нетиб етсунки, мулки ишқ аро Қадри олий шох ила тенгдур гадоий хоки роқ.

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса, тонг эмас Ким, болокашлик менинг хуйимдур, анинг — иззу жоқ.

Шоҳлиқнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат бобида Ким, керак анда сариг юз, лалълун ашқ, ўтлуг оқ.

Шоҳким, матлубига қулдуқ буюргай — ишқ эмас, Кимки ошиқдур, анга зору забунлуғдур гувоҳ...

Сарв ила хошоқ агар гул ошиқидур, фарқи бор: Сарвга то ўт туташқай, қул бўлур юз минг гиёҳ.

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким, Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

Ишқ — муҳаббатнинг даражаси, ошиқнинг саъй-ҳаракатлари натижасида қўлга киритиладиган мақом. Бу оламда зўрлик эмас, зорлик, бойлик эмас, фақирлик, амру фармон эмас, ажзу ниёз ҳукмронлик қилади.

Ишқ йўлида шоху гадо баробаргина эмас, балки гадо шохдан устун. Чунки ҳақиқий ишқ молу дунё, амал-мартаба, мавқе-мақомнигина эмас, балки дунё неъматлари, нафс хоҳишлари, ҳатто жисму жонини ҳам унутиб, ёлғиз ёр ёди билан яшаш, танҳо унинг вадасига интилишни талаб этади.

Гадо бу йўлда ҳамма нарса, ҳатто жонидан-да кечишга ҳар лаҳза тайёр тургани ҳолда, мулку салтанат соҳиби бўлган шох бор-йўғини унутар даражада севишга қодир эмас: унинг жони у ёқда турсин, мол-давлатию тожу тахтидан-да кечиши қийин. Шундай экан, ҳаётдаги мартаба-мавқеи бир-бирдан кескин тафовут қилувчи шох ва гадонинг гўёки ошиқ-маъшуқаларнинг ўзаро тенглиги асосига қурилган ишқ деб аталмиш мамлакатдаги мақоми ҳам баробар эмас.

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шох, Чун де олмас дардини бир йил югурса додхоқ... Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса, тонг эмас Ким, болокашлик менинг хуйимдур, анинг — иззу жоқ.

Диққат қилинса, биринчи байтда шохнинг устунлиги ҳақида сўз борган бўлса, иккинчи байтда ишқ ичра бу икки тоифанинг тенглиги айтилади. Учинчи байтга келиб, анди гадо шохдан устун қўйилмоқда: «Ишқ аро шох мендан ожизроқ бўлса, ажаб эмас, чунки ишқнинг асосий талаби

ҳисобланган болокашлик, яъни, дарду азоб, қайғу-изтиробларни тортиш менинг касбим, шох эса ўзининг давлату бойлигига мағрур».

Шоҳлиқнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат бобида Ким, керак анда сариг юз, лалълун ашқ, ўтлуг оқ.

Гапни узокдан бошлаган шоир аста-секин асл мақсадга келаяпти: «Ишқу муҳаббат кўйида ким шох, ким гадо деб қараб ўтирилмайди — чинакам ошиқ айрилиқда сарғайган юзи, қайғу-ҳасратда тўккан қон».

КИМКИ ОШИҚДУР АНГА ЗОРУ ЗАБУНЛУҒДУР ГУВОҲ

НАВОИЙХОНЛИК



ли ёши, маъшуқа ишқига чеккан ўтли охи билан ажралиб туради».

Ҳа, ишқ тарозусига молу дунё эмас, обрў-мартаба эмас, балки маъшуқа кўйида чекилган дарду ғам, ишқ йўлида қилинган саъю ҳаракатлар қўйилади.

Шоҳким, матлубига қулдуқ буюргай — ишқ эмас, Кимки ошиқдур, анга зору забунлуғдур гувоҳ.

«Шоҳ севгилиснинг ўз амру фармонларига бўйсунганини талаб қилар экан, бу — ишқ эмас, балки кучли томоннинг заиф тарафга ўз ҳукмини ўтказишидир. Ошиқлик белгиси — маъшуқа олдидаги зору забунлик».

Дунёвий муҳаббат ўзаро тенглик асосига қурилади. Лекин сўз илоҳий маҳбулага — Оллоҳга ошиқлик хусусида борар экан, маъшуқанинг ҳар жиҳатдан тенгсизлигию ошиқнинг эса зору оғизлиги ҳақида гапирилади. Чунки Парвардигори ҳақида қудратда ҳам, ҳуснда ҳам, илму ҳикматда ҳам мислсиз: бандга эса унга фақат илтижо қилади, унинг кўйида зору ниёз айлайди.

Сарв ила хошоқ агар гул ошиқидур, фарқи бор: Сарвга то ўт туташқай, қул бўлур юз минг гиёҳ.

«Сарв билан хошоқ агар гулга ошиқ бўлса, уларнинг ўртасида тафовут мавжуд: сарвга то ўт туташқунча, хошоқ қул бўлиб, тупроққа сингиб кетади».

Бу ерда шох — сарв дарахтига, фақир — оддий гиёҳга — хошоққа ўхшатилиб, ўзаро бир-бирига қарама-қарши қўйилапти: сарв осонликча ўтда ёнмагани каби шохнинг ҳам илоҳий ишқ йўлига кириши қийин. Аксинча, хошоқ учқун тушиши билан ёниб, алангага айланганидек, гадо фақирлар ҳам илоҳий ишқ ўтига туғма равишда мойил ва унинг шиддатини кўтаришга қобил бўладилар. Қуруқ хошоқ оловда қандай гуриллаб ёнса, пок ошиқ ҳам ишқ ўтида шундай ўртанади, дейди Навоий «Лисон ут-тайр» дostonида:

Ишқ ўтига ошиқи пок ўртанур, Барқдин андоққи, хошоқ ўртанур.

Бинобарин, илоҳий ишқ то битта шохнинг кўнглини макон тутгунча юз минглаб фақирлар бу ишқ ўтида ёниб, қулга айланадилар.

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким, Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

«Эй Навоий, ишқ ичра сидқу ихлос билан гадо бўлким, сен топган бу давлатни шох тожу тахтини бериб ҳам топмайди».

Сўфиёна адабиётда икки ошиқнинг мақоми юксак пардаларда қўйланади: улардан бири — Иброҳим Аҳдам бўлса, иккинчиси — Мансур Ҳаллоқ. Лекин Мансурнинг мақоми Иброҳимникидан юксак, чунки илоҳий ишқ йўлида Иброҳим Аҳдам тожу тахти, молу мулкнинг баҳридан ўтган бўлса, Мансур Ҳаллоқ ширин жонидан кечди!

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди.

Саволларингизга мутахассис

Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб беради

ПЕНСИЯНИ ҲИСОБЛАБ ЧИКИШ ПАЙТИДА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИНИ АНИКЛАШДА ИШ ҲАҚИ КЎРСАТКИЧЛАРИДА ТУРЛИ ЙИЛЛАРГА ОИД ТАФОВУТЛАР ЭЪТИБОРГА ОЛИНАДИМИ?

Маълумки, мустақилликдан олдинги иш ҳақининг номинал миқдори билан кейинги даврлардаги иш ҳақи номинал миқдори ўртасида жуда катта тафовутлар мавжуд. Ҳатто инфляция жараёнлари туфайли мустақилликнинг турли йилларидаги иш ҳақи номинал миқдорлари жиддий фарк қилади.

Ана шундай номуносибликни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2002 йил 27 мартда тасдиқланган «Қўлланма»нинг 1-илловасига мувофиқ 70-80-йилларда бир мунча юқори иш ҳақи олган шахслар пенсия таъминоти даражасини пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида янги тузатиш коэффициентини қўллаш жорий қилинди ва ижтимоий таъминот бўлимидаги пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ушбу тузатиш коэффициентига амал қиладилар.

ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯНИНГ ТАЯНЧ (БАЗАВИЙ) МИҚДОРИ ҚАНДАЙ АНИКЛАНДИ?

Ёшга доир тўлиқ пенсия тайинлаш учун ҳисоблаб чиқилган ўртача иш ҳақининг 75 (энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган ва энг кам ойлик иш ҳақининг етти баробари) жамидан кўп

бўлмаган ҳажмда) 55 фоизи миқдоридан таянч миқдори аниқланади. Бироқ, бу таянч миқдор энг кам иш ҳақининг расмий миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғда ёшга доир пенсиянинг таянч миқдори ҳисоблаб чиқилган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи миқдоридан, аммо расмий энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади.

Чернобил атом электр станцияси ҳалокати оқибатини бартараф этишда қатнашган шахсларнинг ёшга доир пенсиясини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг 2000 йил 20 сентябрдаги 1963/05 хатига кўра, пенсия таянч миқдорини белгилаш пайтида ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробари билан чекланмайд.

Уларга пенсия миқдори ҳисобланадиган бошқа бир қатор имтиёзли қоидалар қўлланилади.

ИШ СТАЖИ УЧУН ПЕНСИЯ МИҚДОРИ ОШИРИЛИШИ ХУСУСИДА

Тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиган (эркакларда) 25 йилдан, аёлларда 20 йилдан) ортиқча эг стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиянинг таянч миқдори ўртача ойлик иш ҳақининг бир фоизи миқдоридан оширилади.


2002 йил 1 январга қадар бўлган даврда иш стажи учун таянч миқдорининг оширилиши ўртача иш ҳақининг 75 фоизига миқдоридан белгиланиб, бундан ортиқча қисмига қўшимча қўйилмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги Фармони билан ушбу чеклаш олиб ташланди.

ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯГА ҚАНДАЙ УСТАМА ҲАҚЛАР КЎШИБ БЕРИЛАДИ?

Ёшга доир (қариллик) пенсиясига чиққан шахсларга куйидаги миқдорларда устама ҳақлар белгиланади:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;



б) II гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;

в) III гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

г) кўзи оғирлиги бўйича I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

д) I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

з) иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги нилухондан ўлмаганларга) — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлганлиги (Ўзбекистон Қаҳрамони, Шўхрат ордени совриндори ва бошқа давлат мукофотларига эга бўлганда) туфайли бериладиган устама ҳақ билан айнаи бир пайтда тайинланиши мумкин.

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

ИСТИРОҲАТ БОҒИДАГИ ҚОРА ШАРПА

Ўтган йил Урганч шаҳар «Гурлан» кўчаси 43-уйда яшовчи С.Саидова уйда ўғирлик содир қилинди. Албатта, бундай қалтис ишга ўз-ўзидан қўл урилмайди. Ким, қаерда яшайди, деган саволлар туғилди бехитёр. Қидирув-суриштирув бошланди. Ўғирлик гиёҳвандлар томонидан амалга оширилганини тажрибали ходимларимиз дарҳол пайқашди. Чунки ясама калит орқали қулф очилиб, уйдан фақат 30 минг сўмлик мол-мулк ўғирлаб кетилган эди. Бу «азамат» Урганч шаҳар «Дўстлик» кўчаси 14-уйда яшовчи Шариф Маткаримов бўлиб чиқди. Қарангки, у 1997 йилда ўғирлик мулк сотиб олгани учун, 1999 йилда ўғирлик қилгани учун қамалиб қўйган экан.

— Героин сотиб олмоқчи эдим, — деб тан олди у тергов давомида. «Кимдан?», — деган саволга ҳам унинг жавоби аниқ бўлди. Шундай қилиб, жиноят жониятини очди. Унинг ёрдамида шаҳардаги «Махтумқули» номли кўчанинг 18-уйида яшовчи кишиларга «оғу»ни пуллаб ўтирган Р.Раҳматуллаев қўлга олинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ички ишлар бўлими тезкор ходимлари томонидан шу йил «Истиклол» кўча 2-а» уйда яшовчи М.Бобожонов қўлга олинди. У олдин икки марта ўғирлик билан қамалган бўлиб, афсуски, тўғри хулоса чиқармаган экан. Энди учинчи марта гиёҳванд моддасини сотиш учун уйда сақлаб тургани учун жазога тортилди. 3-даха 17-уйда Ойша ва Фотима Ёқубовалар яшайди. Бир қарашда бу эгизаклар «героин» савдоси билан шуғулланишига сира ишонгинг келмайди. Лекин факт фактликча қолаверди. Улар 0,7 грамм «героин» гиёҳванд моддасини ўз қўшнисига пуллаётганида қўлга олинди.

Ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган «Қора дори—2002» тадбири давомида «Мустақиллик» кўчаси 64-уйда яшовчи Б.Уриновнинг уйдан 2,3 килограмм «марихуана» топилди.

Урганч шаҳридаги «Жиззах» кўчаси 40-уйда яшовчи Ҳасан Тожибоевнинг қилмиши ҳаммасидан ошиб тушди. У мунтазам равишда «Гурлан» кўчасида ва Амир Темур но-

мидаги маданият ва истироҳат боғи олдида юриб, героин гиёҳванд моддасини сотиш билан шуғулланиб келган. Яқинда унинг фаолиятига чек қўйилиб, иши судга оширилди. «Шодлик» кўчаси 1-уйда яшовчи Х.Азизов ҳеч қаерда ишламасаям ҳар доим ошиғи олчи бўлиб келди. Уйда тез-тез қуюқ зиёфатлар бўлиб, янги-янги улфатлари пайдо бўла бошлади. Хафтада бир-икки марта марказий деҳқон базорининг эски нарсалар сотиладиган қисмида қисқагина муддат ўтириб кетадиган одат чиқарди. Унинг бу хатти-ҳаракатлари ходимларимизда қизиқиш уйғотди. Х.Азизов текшириб қўрилганида у борзолада эски нарсалар қатори «марихуана» ҳам сотаётгани маълум бўлди. Унинг ёнидан ва уйдан 6,12 грамм «оғу» топилди. Қилмиши қалтис деб шуни айтадилар.

Хонқа тумани «Хоразм» жамоа хўжалиги 12-бригадасида яшаган муқаддам 6 йил қамалган К.Мадраҳимов вази 9,6 грамм бўлган героин гиёҳванд моддасини сотиш учун шахримизга келган пайтида таниши Ш.Қутлимуродовнинг уйда қўлга о

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК муҳофазаси

Ёшлар ва оилалар ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, репродуктив саломатлик, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялашни яхшилаш бўйича Эллиқалъа туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофазалашнинг аниқ чора-тадбирлари белгилаб олинган.

405 ўринли марказий касалхона, 3 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 7 та шаҳар, 8 та қишлоқ, 12 та маҳалла врачлик ҳамда 25 та фельдшерлик пунктлари, 4 та участка шифохонаси, даволаш-диагностика маркази, шошилиқ тиббий ёрдам марказининг туман филиали намунали хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, хўжалик ҳисобидаги «Бўстон-медсервис» профилактик кўриқлар шифохонаси, «Дониёр» тиш даволаш ва «Жавҳар» хусусий кўз касалликлари поликлиникалари, туманлараро психоневрология диспансери малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Уларда 167 нафар врач, 800 нафар ўрта маълумотли тиббий ходим ишламоқда. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган врач А.Отабоев, «Шухрат» медали совриндорлари, — Р.Аллабергенов, Д.Уриновлар кўп йиллардан бери халқ соғлигини сақлашдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Репродуктив саломатлик

Миллат келажаги, жамият, юрт тараққиёти аёл ва ёш авлод саломатлиги билан боғлиқ. Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Неъматулла Худайбергеновнинг таъкидлашича, ҳудудда хотин-қизлар ҳаёти ва турмушини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон, Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қабул қилинган «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида иш олиб бориляпти. Таъкидлаш керакки, туманда уч ёшгача боласи бор аёлларга қўшимча таътиллари бериш, иш соатларини қисқартириш каби имтиёзлар жорий этилган, шунингдек, фарзандини тарбиялаш давомида иш ўрни тўлиқ сақланади, витаминли озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар билан таъминланади.

Шифокорлар гуруҳлари олис қишлоқ ва овулларда бўлиб, аёллар, никоҳга кирувчи ёшлар иштирокида соғлом оилани шакллантириш муаммолари мавзуларида суҳбатлар ўтказиш билан бир пайтда даволаш-ташхис ишларини ҳам олиб боришяпти.

«Қирқ қиз» участка касалхонасидан К.Сабуров, «Дўстлик» қишлоқ врачлик пунктдан Б.Ҳақимов, 10-шаҳар врачлик пункти мудири С.Соипова, туғруқ мажмуидан Қ.Қобилов, болалар врач П.Бобононов, ҳамширалардан Э.Қўзибоева, Н.Ҳожаметова, Р.Омоновларнинг беминнат хизматидан даволанувчилар мамнун.

Кейинги вақтда туман шифо масканларининг моддий-техник таъминоти яхшиланиб бораёпти. Хомийлар томонидан «Тозабоб», «Сарабий» участка касалхоналарини таъмирлашга эътибор кучайтирилиб, янгитдан 6 та врачлик пункти ишга туширилди. Жорий йилда эса тиббий муассасаларини капитал таъмирлаш учун бюджет маблағлари ҳисобидан 100 миллион сўм ажратилди.

Хуллас, эллиқалъалик шифокорларнинг бутун фаолияти аёллар ва соғлом авлод баркамоллигини таъминлашга қаратилган.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.

«ҚИЗИЛ СУВ» БЎЙИДАГИ ОРОМГОҲ

Ўз бағрига бир йўла 300 нафар болани сиғдирган Йўлдош Охунбоев номли оромгоҳ Яққабоб туманидаги соя-салқин масканда жойлашган.

— Қашқадарё вилоят тасарруфидаги оромгоҳ «Матлуботсавдо» акциясида хомийлар томонидан катта миқдордаги



ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди дам олиш раҳбари Абдуғани Боқиев. — Жумладан, 3,5 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, ка-

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаб
уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

ҒОЛИБЛАР республика босқичида

Қарши шаҳридаги Марказий «Nasaf» ўйингоҳида энгил, мебел саноати ва коммунал-مائий хизмат ходимлари касаб уюшма вилоят кўмитасининг спартакиадаси бўлиб ўтди. Ташкилот ва корхоналар миқёсида ўтказилган мусобақалар пешқадамлари — 100 нафарга яқин спортчибир неча тур бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди.

Айниқса, мини футбол беллашувлари кўпчилиқда катта таассурот уйғотди. Барча ўйинларни кўтаринкилик билан ўтказган вилоят ёнгиндан сақлаш жамияти жамоаси мусобақа ғолиби бўлди. Кейинги ўринлар «Вилоятгаз» футболчилари ҳамда Шаҳрисабздаги «Кумуш» ҳиссдорлик жамияти вакилларига насиб этди.

Шоҳмот ва шашка мусобақаларида вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш хизмати вакили Алла Ким, Китоб ип-йигирув корхонаси ходими Дилфуза Раҳмонова зафар кучди. Шунингдек, М.Муқимова, С.Тўраева, О.Ионова, Д.Шукуровлар совринли ўринларни эгаллашди.

Энгил атлетика бўйича баҳсларда «Каштекс» ҳиссдорлик жамияти аъзоси М.Турсунова ўз

маҳоратини намойиш қилди. Стол тенниси ўйинларида Л.Титкова (тармоқ ходимлари вилоят касаб уюшма кўмитаси), М.Сағимова («Санам» ҳиссдорлик жамияти) ва Г.Ҳайдарова («Каштекс» ҳиссдорлик жамияти)лар совриндор деб топилди. Умумжамоа ҳисобида «Каштекс» ҳиссдорлик жамияти вакили биринчи, «Санам» ҳиссдорлик жамияти

Касаба уюшма тадбири



жамоаси иккинчи, вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш хизмати

спортчилари учинчи ўринни эгаллашди. — Спартакиада ўйинларида вилоятимиздаги ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг 17 жамоаси иштирок этди, — дейди тармоқ ходимлари касаб уюшма вилоят кўмитаси раиси Исоқ Аҳмедов. — Мусобақани юксак савияда ўтказишда вилоят касаб уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тажрибали мутахассисларининг кўмаги катта бўлди.

Спартакиада якунида ғолиб ва совриндор спортчиларга фахрий ёрлик, қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда тармоқ ходимларининг республика спартакиадаси йўлнамалари топширилди.

Нарзулла МАҲАМОВ.

Маҳалланг ота-онанг!

ФАҲРИЙЛАР ЁНИДА ЁШЛАР

Бухородаги «Хавзи нав» маҳалласида нуронийларга катта эътибор берилмоқда. —Маҳалламизда катта авлод вакиллари-уруш қатнашчилари, пенсионерларга хурмат алоҳида, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳаёт Ҳақимов. —Моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга муҳтож қарияларга мунтазам зарур ёрдам кўрсатяпти. Шу муносабат билан анчагина тадбирларни режалаштирганмиз. Хусусан, коммунал хизмат кўрсатишда имтиёзлар жорий этилмоқда. Нуронийларнинг турмуш шароитлари яхшиланмоқда, фахрийлар

учун жамоатчилик маркази барпо этилди. Маҳаллада 4 минг нафар аҳоли аҳил ва баҳамжиҳат ҳаёт кечираёпти. Маҳалла фахрийлари ёшлар тарбиясига ҳам бошқача эътибор қилинган. «Устоз-шогирд» услуби бўйича зардўзлик, дурадгорлик, тикувчилик хунарларини ўрганишмоқда. Маҳалла ҳудудидидаги ўн та кўча ҳам обод. Кўча атрофидаги дарахтлар ва гуллар кўзни қувонтиради. Халқимизда «Маҳалланг-ўз уйинг» деган нақлнинг топиб айтилганга «Хавзи нав»га келсангиз яна бир бор амин бўласиз.

ПУЛМОНОГЛАР УЧУН МИКРОСКОПЛАР

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти лабораториясига бинокуляр микроскоплар топширди. АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги (USAID)нинг молиявий кўмагида «ХОУП лойиҳаси» доирасида берилган микроскопларни АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мух-

тор элчиси Жон Хёрбст ва Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Марат Ҳожибековлар топширди. АҚШнинг «ХОУП лойиҳаси» нодавлат ташкилоти Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича USAIDнинг техникавий стратегияси доирасида 100 дона бинокуляр микроскоп-

ни етказиб беришни ражалаштирган эди. «ХОУП лойиҳаси» USAID томонидан молиялаштирилиб, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан қўллаб-қувватланаётган силга қарши курашиш бўйича ДОТС йўналишини рўёбга чиқаради. Дастур 2000 йилнинг январидан бошланган эди.

«Туркостан-пресс».

ҚУЛАЙ АВТОМОБИЛ

Узунлиги 30,48 метрли 26 та гилдиракли ушбу автомобилсозлик мўъжизаси ошхона, махсус трамплини сузиш ҳавзаси, икки кишилик қроуват, вертолёт учун қўниш майдони, яна ўнлаб шу каби қўлайликлар билан жиҳозланган.

Бу транспорт воситаси асосан киночилар ҳамда махсус кўргазмалар учун мўлжалланган.

А.АЛИЕВ.

«ҚАЙНОНАСИ СУЙГАН КҮЁВ»

Ҳ а ж в и я

— Мумкинми? Кўқисдан эшик шарақлаб очилиб, томдан тараша тушгандек овоздан кўпчилик чўчиб тушди. Бошқалар қатори мен ҳам ёқамдан туфлагудек бўлиб қарасам мўйлаб қўйганларни масҳаралагандек лаби устига тирноқ учидек бир тутам тукни чўчайтирган найновгина ийигит остонада тиржайиб турарди. Балки бирон адашган кимса бўлса керак, деб ўйлаб турувдик ҳамки давра тўрида ўтирган Ғофурали ақанинг дўриллаган овози эшитилди:

— Во-хо-хо-хо! — Бамисоли бомба портлагандек бўлди. Ғофурали ақанинг тағини қаттига урди. Лаган яримламасидан ота-бола майдонда якка қолишди. Ғофурали ақани тарвуздек қорнини силаб, ёстиққа суянаркан, ҳамон ўғлини рағбатлантирарди: — Олавер, ота ўғил. Тортинма!

Найнов тортинишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Лаган юкига чой қўйиб ҳам симирди. Даврада илқикли сўнган, сал нарсадан аския чиқарадиган Сиддиқали ақани ҳам мум тишлагандек ўтирарди.

— Менга уэр, ош учун раҳмат! — Даврадагилардан бири соатиға кўз ташларкан, ўрнидан кўзгалди. Найнов дастурхон четига чўнкайди-да, дадил «хужум»га ўтди. Унинг ҳаракати гўё маррага яқинлашган пойгачини эслатарди. Даврадагиларнинг ярми қўлини арди. Ўғлини тинимсиз рағбатлантириш билан бирга ўзи ҳам чақалоқнинг калласидек қилиб ошани давом этаётган Ғофурали ақани кутилмаганда муҳим нарсани эслагандек, Сиддиқали ақани турди:

— Бу дейман, «халигиндан» пича қолувди шекилли?

Сиддиқали ақани шисадагини охириг томишчи қолгунча пиёлага ағдарди.

— Мана, отахон, ош бўлсин! — Мен кекса одамман, — ўғли тарафга имлади. — Йигитга узат!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Ёзги соғломлаштириш



саба уюшмалари вилоят Кенгаши ижтимоий суғурта фондидан 2 миллион сўмлик маҳсулотлар етказиб берди.

Умумий майдони 7 гектарни ташкил этадиган мазкур оромгоҳ «Қизил сув» дарёси қирғоқларига туташ. Барча қўлайликларга эга ёзги кинотеатр, кутубхона болажонлар хизматиде. Хусусан, «Маънавият ва маърифат» марказида амалга оширилган ишлар мактовга лойиқ. Умуман, бу ерда яратилган шароит болаларнинг таътил кунларини мазмунли ўтказишга имкон беради.

Балки бу ҳам тадбиркорликнинг бир кўринишидир. Ҳар ҳолда оромгоҳ боғида етиштирилган мевалардан болажонлар салқин ичимликлар, шарбатлар тайёрлаб берилаетир. Бош етакчи Бектош Жўраевнинг таъкидлашича, Қарши педагогика коллежи талабалари назарий билимларини мустаҳкамлаш учун оромгоҳда тарбиявий ишларни олиб боришяпти.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» муҳбири.
Оромгоҳда:
Суратларда:
Оромгоҳдан
лавҳалар.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаб
уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маммура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.55

Маънавият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гуваҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41-уй.